

# JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

VOLUME II | ISSUE 2 | FEBRUARY | 2024

ISSN: 2181-4031



Available online at [www.imfaktor.com](http://www.imfaktor.com)

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 2-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ- II, НОМЕР-2

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-2

ТОШКЕНТ – 2024

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 2 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2024-2>

## Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## Таҳририят аъзолари:

1. Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент
2. Ходжаметова Гулчира Илишевна – тарих фанлари номзоди, профессор
3. Ҳайдаров Ўрал Ахмадович – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент
4. Мусаев Джамалиддин Камалович – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент
5. Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б
6. Узакова Зарина Фуркатовна – социология ф.б.ф.д (PhD), доцент
7. Мамадияров Дилшод Уралович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
8. Тўраев Шавкат Нишонович – фалсафа фанлари номзоди, доцент
9. Бердиева Гулмира Аминовна – тарих фанлари номзоди
10. Гаипов Жасур Бахром ўғли – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)
11. Сохибова Лола Жонибоевна – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
12. Шарипов Дилшод Бахшиллоевич – сиёсатшунос, эксперт
13. Содиржонов Мухриддин  
Махамадаминович – социология ф.б.ф.д (PhD)
14. Саттаров Дилшод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент
15. Турақулов Акмалжон Анварович – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
16. Каримов Бозарқул Худдайбердиевич – фалсафа фанлари номзоди

*“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.*

*Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор” кўрсаткичига эга.*

*Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар хорижий мақолалар сифатида тан олинади.*

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

**Таҳририят манзили:** Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

**Телефон номер:** +99894-410 11 55, **E-mail:** [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

**КЕНЖАЕВ Амирбек Алижон ўғли**  
*Тошкент давлат юридик университети*  
*Давлат бошқаруви кафедраси*  
*ўқитувчиси*  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10671706>

## ЎЗБЕКИСТОН СУВ ДИПЛОМАТИЯСИ ВА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ

### АННОТАЦИЯ

Мақолада сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасининг трансчегаравий сувлардан фойдаланиш соҳасидаги ташқи сиёсати кўриб чиқилган. Бунда, Ўзбекистоннинг сув дипломатияси ютуқлари ва унинг истиқболдаги вазифаларига алоҳида эътибор қаратилган. Қолаверса, Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланиш билан боғлиқ янги чақириқлар, Афғонистон томонидан қурилаётган “Кўштепа” канали масалалари ҳам муҳокама қилинган.

**Калит сўзлар:** трансчегаравий сувлар, сув дипломатияси, халқаро ҳуқуқ, БМТ, Ўзбекистон, Афғонистон, Марказий Осиё.

## ВОДНАЯ ДИПЛОМАТИЯ УЗБЕКИСТАНА И ВОПРОСЫ РЕГИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрены внешняя политика Республики Узбекистан в сфере использования трансграничных вод за последние годы. При этом особое внимание уделяется достижениям водной дипломатии Узбекистана и ее будущим задачам. Кроме того, были обсуждены новые вызовы, связанные с использованием трансграничных вод в Центральной Азии, вопросы строящегося Афганистаном канала «Куштепа».

**Ключевые слова:** трансграничные воды, водная дипломатия, международное право, ООН, Узбекистан, Афганистан, Центральная Азия.

## WATER DIPLOMACY OF UZBEKISTAN AND REGIONAL SECURITY ISSUES

### ANNOTATION

The article examines the foreign policy of the Republic of Uzbekistan in the field of use of transboundary waters in recent years. At the same time, special attention is paid to the achievements of Uzbekistan's water diplomacy and its future challenges. In addition, new challenges related to the use of transboundary waters in Central Asia, issues of the Kushtepa canal being built by Afghanistan were discussed.

**Keywords:** transboundary waters, water diplomacy, international law, UN, Uzbekistan, Afghanistan, Central Asia.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон Республикасида аҳолини сув билан таъминлаш масалалари ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этмоқда. Географик жиҳатдан Ўзбекистон дунёнинг сув тақчил бўлган ҳудудларидан бири, Марказий Осиёда жойлашган. Ушбу минтақа, шу жумладан Ўзбекистон, иқтисодиёти, аҳолиси ва экологик таҳдидлари ўсиб бораётганлиги билан ажралиб туради. БМТ ва Жаҳон Банки каби халқаро ташкилотларнинг таҳлилий маълумотларига кўра, 2050 йилга қадар Марказий Осиё аҳолиси сони 100 миллиондан ошиши кутилмоқда. Бунда, энг кўп аҳолига эга бўлувчи давлат сифатида Ўзбекистон (тахминан 50 миллион киши) эътироф этилмоқда. Аҳоли сонининг ошиши эса, мутаносиб равишда сув ресурсларига бўлган эҳтиёжни ҳам оширади [1].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти меъёрларига кўра, бугунги кунда бир кишининг эҳтиёжлари учун кунлик 50-100 литр сув керак, “Ўзсувтаъминот” АЖ маълумотларига асосан эса Ўзбекистонда бу кўрсаткич кунлик бир кишига ўртача 99,2 литрни ташкил этмоқда.

Мазкур кўрсаткич дунё минтақаларида куйидагича кўринишга эга:

- Саудия Арабистонида 500 литр;
- АҚШда 450 литр;
- Канадада 340 литр;
- Японияда 320 литр;
- Россия Федерациясида 250 литр;

- Ғарбий Европада сув таъминоти хизматларининг юқори нархи туфайли у 130 дан 180 литргача ўзгариб туради;

- Африканинг қишлоқ жойларида 10-20 литр [2].

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, Ўзбекистонга сув ресурсларининг 80 фоизи бошқа давлатлардан келади, 20 фоизи мамлакатда ҳосил бўлади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2030 йилга бориб Ўзбекистон 7 млрд куб метр сув етишмовчилиги муммосига дуч келиши мумкин [3].

Сув ресурслари билан боғлиқ бугунги кун шароитлари ва истикболда кутилаётган қаҳриқлар Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш соҳасида самарали давлат бошқарувини йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Бунда, ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш, сувдан оқилона фойдаланиш бўйича оммавий маданиятни шакллантириш ва Ўзбекистонга қўшни бўлган давлатлар билан ўзаро манфаатли сув дипломатиясини олиб бориш талаб этилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш самарадорлиги ошириш ва қўшни давлатлар билан сув дипломатиясини давом эттириш масалалари мамлакатни ривожлантириш бўйича стратегик дастурлар доирасида амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, сувдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш ва келажак авлодларга чучук сув захираларини етказиш вазифалари 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси, ҳар йилги давлат дастурлари ва бошқа ҳужжатларда акс эттирилмоқда.

*Ўзбекистон сув дипломатиясининг самарадорлик кўрсаткичлари*

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ташаббускорлиги остида ҳар бир соҳада кенг кўламли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуслари ва сиёсий иродаси натижаси ўлароқ, Ўзбекистон ташқи сиёсати ҳам янги чат тус олди. Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон ташқи сиёсатида энг муҳим минтақа сифатида белгиланди. Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги бундай ёндашув, минтақадаги трансчегаравий сувлардан фойдаланиш муаммоларини тинч йўл билан ҳал этишга ҳам ижобий таъсир ўтказганини таъкидлаш лозим.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, Ўзбекистон ўзининг сувга бўлган йиллик эҳтиёжларининг *80 фоизини* трансчегаравий сув манбалари ресурслари орқали қондиради. Ўзбекистон минтақанинг марказида жойлашган бўлиб, Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан чегараларга эга ҳамда ушбу давлатларнинг барчаси билан трансчегаравий сувлардан фойдаланиш бўйича ўзаро алоқаларни олиб боради. Истикболда, Ўзбекистон ўсиб бораётган иқтисодиёти ва аҳосининг сув ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қондириши учун минтақа давлатлари билан самарали сув дипломатиясини олиб бориши талаб этилади.

Шу ўринда, Марказий Осиёдаги сув захиралари ва трансчегаравий сув манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида айрим маълумотларни келтириб ўтиш жоиз:

- *биринчидан*, минтақадаги **чучук сув захираларининг 60 фоиздан ортиғини** тоғлардаги музликлар (*сўнгги ўттиз йилда учдан бир қисми эриб кетди*) ташкил этади ва ҳозирда глобал иқмил ўзгариши жараёнлари оқибатида уларнинг тезкор суратларда ериб бориши кузатилмоқда. Олимларнинг прогнозларига кўра, Марказий Осиё музликларининг эриши **2035-2055 йиллар оралиғида ўз чўққисига** кўтарилади. **2100 йилга** бориб эса минтақадаги музликлар захиралари **2015 йилги ҳажмининг 75 фоизини** йўқотиши тахмин қилинмоқда [4];

- *иккинчидан*, Афғонистон муваққат ҳукумати томонидан Амударёда “Кўштепа” каналини куриш ишлари олиб борилмоқда. Мутахассисларнинг тахминларига кўра, ушбу каналнинг куриб битказилиши ва ишга туширилиши Ўзбекистон Амударёдан олаётган сувнинг **25-30 фоизга** камайишига олиб келиши мумкин. Бу хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2023 йил 17 ноябрда Сурхондарё вилоятига ташрифида яқин йигирма йилда Амударё ва Сирдарё оқими 15 фоизга камайиши кутилаётганини ҳамда “сув текин эмас”, деган ғояни аҳолига чуқур сингдириш лозимлигини айтиб ўтди [5];

- *учинчидан*, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, Ўзбекистон сувдан оқилана фойдаланишни таъминлаш бўйича бир қатор мажбуриятларни ўз зиммасига олган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг 1992 йилги “**Трансчегаравий очик сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича**” (*Ўзбекистонда 2007 йилдан кучга кирган*) [6] ва 1997 йилги “**Халқаро очик сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида**”ги (*Ўзбекистонда 2014 йилдан кучга кирган*) конвенцияларини ратификация қилган [7].

Хўш, Ўзбекистоннинг замонавий сув дипломатияси қандай самарадорлик кўрсатмоқда?

2018-2023 йилларда Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан сув дипломатияси тарихий натижаларга олиб келди, десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистоннинг ушбу давр мобайнидаги минтақа давлатлари билан трансчегаравий сувлардан фойдаланиш масалалари юзасидан олиб борган сиёсати соҳадаги кўплаб муаммоларнинг дипломатик ечимларини топишга кўмаклашди. Хусусан, Ўзбекистон сув дипломатиясининг самарадорлиги юзасидан тарихий келишувларнинг қуйидаги мисолларини келтириш мумкин:

2018 йилда Ўзбекистон ва Тожикистон Фарход ва Роғун ГЭСлари юзасидан ўзаро манфаатли келишувга эришган бўлса, 2022 йилда ҳар икки мамлакат давлат раҳбарлари Зарафшон дарёсида Ёвон ГЭСи қурилишини бошлаб беришди [8].

2017 йилнинг сўнгида Ўзбекистон ва Қирғизистон сув масалалари бўйича ҳукуматлараро кўшма комиссия тузишди. 2022 йилда эса ҳар икка давлат Андижон (Кампиробод) сув омборининг сув ресурсларини биргаликда бошқариш тўғрисидаги битимни ратификация қилди [9].

2021 йилда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида **Тўқтағул сув омборидан** фойдаланиш масалаларида келишувга эришилди [10]. 2023 йилнинг январь ойида ушбу давлатлар “Қамбарота-1” ГЭСи қурилиши лойиҳасини тасдиқлашди ҳамда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида “Қамбарота-1” ГЭСи қурилиши юзасидан инвестициявий битим имзоланди [11].

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистоннинг ташаббускорлиги ва сиёсий иродаси натижасида эришилган мазкур тарихий келишувлар, авваламбор, аҳолимиз, иқтисодиётимиз ва келажак авлоднинг сувга бўлган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган. Ушбу келишув ва битимларнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, улар барча чегарадош, кўшни давлатларнинг ҳам сувга бўлган манфаатларини инобатга олади. Зеро, сув – бу бир халқ ёки миллатнинг бойлиги эмас ва трансчегаравий сувлардан фойдаланиш муаммоларига ечим изланганда ундан фойдаланувчи барча томонларнинг манфаатларини инобатга олиш талаб этилади.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон сув дипломатияси самарадорлигини кўшни давлатлар билан эришилган тарихий келишувлар ва амалий натижалар орқали кўришимиз мумкин. Аммо, келажакда мамлакатимиз сув дипломатияси ечим топиши керак бўлган кўплаб муаммолар ва чақириклар ҳам йўқ эмас. Улардан бири, шубҳасиз Афғонистон муваққат ҳукумати томонидан Амударёда қурилаётган “Қўштепа” канали масаласи ҳисобланади. Эътиборлиси, Марказий Осиё давлатларидан биринчи бўлиб Ўзбекистон ушбу каналнинг қурилиши юзасидан ўз муносабатини билдирди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2022 йилнинг 20 декабрида Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномасида Амударё ўзанида янги канал қурилиши бўйича кўшни Афғонистоннинг муваққат ҳукумати ҳамда жаҳон ҳамжамияти билан бирга халқаро меъёрлар асосида ва минтақанинг барча давлатлари манфаатларини инобатга олган ҳолда амалий мулоқотлар олиб бориш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон канал қурилиши ва Афғонистоннинг Марказий Осиёдаги трансчегаравий сувлардан фойдаланиш муносабатларига янги иштирокчи сифатида киришишининг халқаро ҳуқуқ меъёрларига асосланган ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш тарафдори бўлиб келмоқда. Мазкур йўналишда Ўзбекистон ва Афғонистон муваққат ҳукумати делегациялари ўртасида музокаралар давом этмоқда.

Ўзбекистон сув дипломатияси ўзининг ташаббускорлиги билан ҳам ажралиб туради. Ўзбекистон трансчегаравий сувлардан фойдаланиш муносабатларини янада такомиллаштириш ва келажакда кутилаётган ҳодисаларга мослаштириш билан боғлиқ кўплаб ташаббусларни илгари сурмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2023 йилнинг 15 сентабрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқида трансчегаравий сувлардан ҳамкорликда фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш юзасидан бир қатор ташаббусларни илгари сурди [12]:

- **биринчидан**, Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва институционал механизмларини модернизация қилиш. Бунда, асосий ҳужжатлар ва битимларни хатловдан ўтказиш, жумладан, 1990 йилларда қабул қилинган Жамғарма низомини қайта кўриб чиқиш, амалдаги тузилма фаолиятини биргаликда таҳлил қилиш ва Жамғарма таркибидаги ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш ва самарасини ошириш борасида таклифлар тайёрлаш, унинг фаолияти ва ҳамкорлик масалаларини аниқ тартибга солувчи “Қоида ва тартиб-таомиллар”ни ишлаб чиқиш таклиф этилди;

- **иккинчидан**, минтақавий лойиҳаларни илгари суриш учун инвестиция, технология ва техник кўмакни жалб этиш масалалари бўйича тизимли ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Мамлакатларимизнинг ҳар бири аниқ мақсадли кўрсаткичларни белгилаган ҳолда, минтақавий лойиҳаларга четдан кўмакни жалб этиш бўйича ўзига мажбурият олиши лозимлиги айтиб ўтилди;

- **учинчидан**, сув ва бошқа табиий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш маданиятини шакллантириш, махсус дастурни қабул қилган ҳолда, ёшлар ташаббуслари ва стартапларини қўллаб-қувватлаш масалаларида ёшлар билан ишлашни минтақавий даражада ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш таклифлари ҳам билдирилди.

Қолаверса, давлатимиз раҳбари “Қўштепа” каналининг қурилиши юзасидан ўз фикрларини билдириб ўтиб, унинг ишга туширилиши Марказий Осиёдаги сувдан фойдаланиш тартиби ва мувозанатини тубдан ўзгартириб юбориши мумкинлиги, шунинг учун Афғонистон вакиллари сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш бўйича минтақавий мулоқотга жалб этиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, сўнгги йилларда Ўзбекистон сув ресурсларидан фойдаланиш масалаларига тизимли ёндашётганини таъдиклашимиз мумкин. Мамлакатимизда қабул қилинган стратегик дастурлар ва амалга оширилаётган амалий чора-тадбирлар сувдан фойдаланиш масалалари давлат сиёсатининг алоҳида, муҳим йўналишига айланиб бўлганини кўрсатмоқда. Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан олиб бораётган сув дипломатияси эса бир қатор тарихий натижаларга эришиш имкониятини бермоқда. Шунга қарамадан, истиқболда Ўзбекистон сув дипломатияси соҳасида алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлган қуйидаги масалалар мавжуд:

- **биринчидан**, Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланиш бўйича давлатлараро келишувларнинг аксарияти бундан салкам 30 йил муқаддам, минтақадаги сув ресурслари билан боғлиқ вазият бугунги кундан анча фарқ қилганда қабул қилинган. Ўзбекистон сув дипломатиясининг келажакдаги вазифаларидан бири – ушбу давлатлараро келишувларни янгилашда мамлакатимизнинг миллий манфаатлари ва минтақа манфаатлари ўртасидаги “олтин ўрталик”ни топиш ҳисобланади;

- **иккинчидан**, трансчегаравий сувлардан фойдаланиш мақсадлари ва тамойиллари юзасидан минтақа давлатларининг умумий ёндашувини ишлаб чиқишни ташкиллаштириш. Йил сайин Марказий Осиёда сув ресурслари захиралари камайиб бормоқда, Ўзбекистоннинг 80 фоиз сув ресурслари эса трансчегаравий дарёларда шаклланади. Бундай ҳолатда, мамлакатимиз минтақа давлатларининг трансчегаравий сувлардан фойдаланиш бўйича умумий сиёсатини ишлаб чиқишни ташкиллаштириши керак бўлади.

- **учинчидан**, Амударёда қурилаётган “Қўштепа” канали Ўзбекистон сув дипломатияси ечим топиши керак бўлган энг муҳим минтақавий масалага айланиб бормоқда, бунда канал қурилиши ва унинг ишга туширилишининг халқаро ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, бу борада Афғонистон муваққат ҳуқумати билан музокаралар олиб боришни давом эттириш талаб этилади.

**ИҚИБОСЛАР. СНОСКИ. REFERENCES.**

1. Clement, Viviane; Rigaud, Kanta Kumari; de Sherbinin, Alex; Jones, Bryan; Adamo, Susana; Schewe, Jacob; Sadiq, Nian; Shabahat, Elham. 2021. Groundswell Part 2: Acting on Internal Climate Migration. © World Bank, Washington, DC. <http://hdl.handle.net/10986/36248> License: CC BY 3.0 IGO.
2. Кенжаев А. Сув – бу бир халқ ёки миллатнинг бойлиги эмас. 02.02.2024 // URL: <https://xs.uz/uzkr/post/cuv-bu-bir-khalq-yoki-millatning-bojligi-emas>.
3. Suv resurslarini boshqarish va qishloq xo'jaligini barqaror rivojlantirish ikkinchi Toshkent xalqaro investitsiya forumining mavzularidan biriga aylandi. 28.04.2023 // URL: <https://miit.uz/oz/news/suv-resurslarini-boshqarish-va-qishloq-xojaligini-barqaror-rivojlantirish-ikkinchi-toshkent-xalqaro-investitsiya-forumining-mavzularidan-biriga-aylandi?mibextid=ykz3hl>.
4. Дженнифер Ж.Сара, Проскуракова Т. Центральная Азия: на стыке глобальных действий в отношении водных ресурсов и устойчивости к изменению климата. 07.06.2022 // URL: <https://blogs.worldbank.org/ru/water/centralnaya-aziya-na-styke-globalnykh-deystviy-v-otnoshenii-vodnykh-resursov-i-0>.
5. Сурхондарёдаги қўшимча имкониятлар ва вазифалар муҳокама қилинди. 17.11.2023 // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/6870>.
6. Конвенция по охране и использованию трансграничных водотоков и международных озер. 17.03.2024 // URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/watercourses\\_lakes.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/watercourses_lakes.shtml).
7. Конвенция о праве несудоходных видов использования международных водотоков. 21.05.1997 // URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/watercrs.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/watercrs.shtml).
8. Замоновий гидроэлектр станцияси қурилиши бошланди. 02.06.2022 // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/5236>.
9. Ўзбекистон Президенти Қирғизистон билан чегара ва Андижон сув омборига оид кунунларни имзолади. 30.11.2022 // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/5745>.
10. Перизат Рисбеккизи. Водное сотрудничество в Центральной Азии как основа стабильности и устойчивого развития. Анкарийский центр исследований кризисных ситуаций и политики. URL: <https://www.ankasam.org/orta-asyada-su-isebirliigi-istikrar-ve-surdurulebilir-kalkinmanin-temeli/>.
11. Главы энергетических ведомств Казахстана, Кыргызстана и Узбекистана договорились о совместном строительстве Камбаратинской ГЭС-1. URL: <https://www.gov.kz/memleket/entities/energo/press/news/details/486025?lang=ru>.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи. 15.09.2023 // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/6662>.

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 2-СОҢ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-II, НОМЕР-2

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-2

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)